

ЭЪТИБОРСИЗЛИК  
ОҚИБАТИ

ЖАҲОЛАТ  
ГИРДОБИ

XXI АСР НАФАСИ  
воқеалар,  
хабарлар,  
тафсилотлар

ҚАРИНДОШДАН  
ҚИЗ ОЛМАНГ!

MEZON

Ҳамма бемалол бора оладиган жойда доимий жойлашган архитектура, фотография, тасвирий санъат асарларини муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда такрорлаш, эфирга узатиш ёки кабел орқали юборишга йўл қўйилади. Бу қоида асарнинг тасвири шундай такрорлаш, эфирга узатиш ёки кабель орқали юборишнинг асосий объекти бўлган ҳолларга, шунингдек, асарнинг тасвирдан тижорат мақсадларида фойдаланиладиган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди.  
«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН  
28-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 45  
(500)  
2006 йил  
14 ноябрь  
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

18 ноябрь — Давлатимиз байроғи қабул қилинган кун

## ҲИЛПИРАЙДИ ФУРУР БАЙРОҒИ

Дунёда тарихи узоқ асрларни қамраб олган миллатлар санокли. Биз тарихан улуг миллатнинг фарзандларимиз. «Биз киммиз...» Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг бу хитоби ыҳамон авлодлар учун қудратли юртнинг ўтмиши буюк бўлган, келажаги ҳам буюк бўлиши муқаррар эканлигини эслатиб турибди. Долғали дунёнинг не-не синовларини бошидан ўтказган халқ яна ўзлигини тоғди, овоз ва ҳур давлат сифатида шаклланди. Ватан ҳимояси йўлида қон тўққан баҳодирлар орзуларининг рўёби қўйинди, ўз озодлигинизга, ўз сўзимизга эга бўлди.



Бугун жаҳонда Ўзбекистон деган давлатнинг шижоати «ҳеч қачон кам бўлмаслигини» кўрсатиб турибди. 15 йил вақт мазмунида узоқ йилдир, аммо етмиш йил мобайнида шўро истибдоди исканжасида яшаб, озодликка чиққан халқ учун ўзини намоен этишга назаримизда, 15 йил камлик қилади. Бирок Ўзбекистон шу қисқа давр мобайнида бугунги глобаллашган оламда, тезкор жамиятда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликни сақлаб, ривожланиш поғонасидан дадил одимлаётган давлатлар қаторига қўшилди. Қадриятларини тиклади. Ўз Конституциясига, қуроли кучларига, давлат суверенитетининг барча рамзлари эга бўлди. Бу шунчаки оддий гаплар эмас.

Турмуш мустақиллик буй-бастини ўнмайди мезонлар кўп, бироқ шундай бир тимсол борки, унда халқнинг гурури, шаъни ва ори муҳассас. Унда мезон қатларидан унутилмас хотира муҳрланган. У мамлакат буюклигини қудратини намоен этади. Озодликнинг юксаклиги ана шу муқаддас тимсолда кўринади. Бу — байроғимиздир.

Байроқ — қадим-қадимдан ҳар бир халқнинг мустақиллик, ҳурлик, тинчлик ва барқарорлик рамзи бўлиб келган. Бу тимсол остида эллар бирлашган, эл-улус тинчлиги, Ватан ҳимояси йўлида баҳодирлар ёнга қарши гурур, ор-номус учун қўлларидан байроқ кўтариб жангга кирганлар. Соҳибқирон Амир Темури давлати ҳам байроқ қудратли салтанатнинг рамзи ҳисобланиб, жангларда мададор, муқаддас тимсол сифатида, ишончли саркардалар томонидан кўрилган. Буюк ватандошимиз Нажмиддин Кубро юртга ёна ҳамла қилганда, жанг майдонидан умрининг сўнгги лаҳзасида ҳам ҳурлик яловини кўлдан қўймаган. Муқанна, Жалолиддин Мангуберди каби саркардаларнинг ҳам эл-юрт озодлиги йўлидаги курашларида байроқ уларга мардлик, шижоат, буюклик бахш этган.

Аждодлардан қолган қадим аъёнлар бугун яна қайта тикланди. Аждодларимиз байроқ қилиб тўқтарган озодлик, ҳурлик каби эзгу орзулар рамзларимизга кўчди. Шу маънода Ўзбекистон байроғи ўтмиш, бугун ва келажакни ўзида ёрқин намоен эттирган мақаддас тимсолнинг ифодасидир. Байроғимиздаги мовий ранг юксаклик ва улғуворлик, оқ ранг тинчлик, покизалик, эзгу орзу-умидлар рамзи бўлса, яшил ранг тирилик, абадий ҳаёт рамзидир. Қизил чизиклар томиримизда улуг аждодлар қони борлигига ишоратдир.

Бугун байроғимиз дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилотларида, юртимизнинг чет элдаги элчионалари пештоқидо қадимий ва навқирон юртни кўз-кўз қилиб турибди. Бундан гурурланмай бўладими?! Қадим Афинада Олимп чўқисини забт этиб, жаҳонни лол қолдирган Ўзбекистон фарзандларининг боши узра хилпирлаган байроқ халқнинг асрий орзулари рўёби эмасми? Сидней олимпиадаси шохсупасига кўтарилиб, байроғини ўпайтган ўзбек йигитини экранда Қизилқум кенгликларидо қўй боқиб юрган болакай кўриб, юртда юртдоши каби ўғлон нуктасида — Эверест чўқисини да ҳам хилпират турибди.

Ўзбекистон байроғи аждодларнинг бетакор аъёнларини, ўтмиш ва келажакни ўзида муҳассамлаштирган. У том маънода мамлакат мустақиллигининг тимсоли бўлиб, халқнинг эзгу орзу-умидлари ва қадриятларини акс эттиради. Хурлик байроғини кўз қорачиқидо асраш лозим. Истиклол тимсоли абадий сари хилпирайверсин.

Аслиддин АБДУЛАЗИС,  
«Инсон ва қонун» муҳбири

## ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ИҚБОЛИ

**Баркамол авлод орзуси**  
(Давоми. Боши ўтган сонда)  
Бола тарбияси — бутун жамиятнинг иши, ани пайтада ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Мустақиллик йилларида халқимизнинг азалий аъёнларидан, миллий руҳиятдан келиб чиққан ҳолда тарбиянинг «оила-мактаб-маҳалла» тамойилини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан изчил савий-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бола оилада камол топади, мактабда таълим-тарбия олади, маҳалла бағрида ўсиб-ўлғайди. Бола оилада тўғри тарбия олса, мактабда намунали ўқувчи айланади, маҳаллада бошқаларга ибрат бўлади.

Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари Ислам Каримов фарғоналик депутатларга мурожаат қилганларида, бу масалага теран назар билан қарашига, отанинг ва онанинг бурчи, вазифаларини кенгроқ мушоҳада этишга даъват қилди. Айнан оилада ота ва қиз муносабатига ургу берилгани ҳам бежиз эмас.

Дарҳақиқат, ҳар бир ўғил-қиз илк тарбияни оила бағрида олади. Ота-онанинг фелъ-атвори, ахлоқ-одоби, фикри, дунёқарши, ўзаро ва ўзгаларга муносабати бола ақлини таниган пайтадан бошлаб, кўз олдига мут-тасил содир бўлади, уни ўйлашга, ўз фикрини мослаштиришга, ешига мос ҳулосалар чиқаришга мажбур қиладиган ҳаётий жараёнлардир.

Агар ота оқил-доно, билимли, меҳрибон, хондонига жонкуяр, ўз соҳасига фидойи, она ҳушмуомала, ширин сўз, чевар, пазанд, саранжом-саришта, жонкуяр бўлса, уларнинг ўзаро муносабатида ҳурмат ва эҳтиром, эъзоз ва эътибор балкиб турса, бундай оилада бағри бутун, дили пок, ҳаётга ва дунёга соғлом қараш билан қарайдиган

маънавий етук фарзандлар камол топади. Шунинг эътирофи эши керакки, фарзандлар тарбиясида она тенгсиз ўрин тутайди. Бир парча этдан ҳисмоний ва маънавий мукамал инсонни вожа етказиш, оқ суги орқали унинг юрагига инсон меҳрини, Ватан меҳрини, поклик туйғусини синдириш, ўғил болани хондонининг, маҳалласи, қишлоғи, юртининг ҳимоячиси, элининг гурур-ифтихори, қиз болани хондонининг чинакам бекаси, бўлажак фарзандларнинг соғлом онаси этиб тарбиялашдек машаққатли ва шарафли йумуш аёлниг зиммасига юклатилгандир.

Лекин шу ўринда яна бир нарсасга эътибор бериш лозимки, аёл ўрниси ва фарзандларнинг меҳрибон онаси сифатида ҳар томонлама етук, намунали бўлишидан қатъи назар, фарзандларнинг тулик маънодаги тарбиячиси бўла олмайд.

Хуқуқий-демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятида инсон манфаати ҳамма устувор саналади. Фуқароларнинг талаб-тақлифлари, хоҳиш-истакларига бўлган муносабат биз барпо этаятган жамиятда инсон манфаатининг ҳар нарсадан устулиги белгиси, дейиш мумкин.

## Jamiyatimiz maqsadi МУҚАДДАС БУРЧ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўзида тўла акс эттирган Бош қонунимиз Конституция қабул қилинди. 1994 йилга келиб, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун амалга жорий этилди. 2002 йилда эса ушбу қонун янада бойитилди, янги таҳрирда қабул қилинди. Юқоридагилардан кўришиб турибдики, мамлакатимизда инсон манфаатининг устуворлиги тадрижий равишда ривожланиб бормоқда.

## Munosabat ДЕМОКРАТИК ЕТУКЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш учун тақдим этганлиги мамлакатимиз демократик ривожланишининг янги босқичига қадим қўяётганлигидан далолат беради. Бундай савоқли ва жиддий ташаббус Юртбошимиз томонидан амалга оширилгани бежиз эмас.

Маълумки, давлат раҳбари мамлакат ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ривожининг стратегик йўналишларини, мақсадларини ва унга олиб боровчи йўл-йўриқларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда асосий масъул шахс ҳисобланади. Ушбу ўта масъулятли вазифа Президентимиз томонидан ўз вақтида ва оқилона амалга ошириб келинмоқда. Дарҳақиқат, ўтган йили июнь ойида давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган Фармон ва Қарорлар самараси ўлароқ, мамлакатимиз иқтисодий ривожига жиддий ижобий сифат ўзгаришлари вужудга келишига, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини шакллантиришга, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни эркинлаштиришда муҳим асос бўлганлигини қайта эътиборга оlish мумкин. Юртбошимизнинг узоқни кўра билиш салоҳияти ва мамлакат иқтисодий-сиёсий ҳаётини изчил тараққий эттириб бориши бугун барчанинг диққат-эътиборида турган қонун лойиҳаларида ҳам тулик намоен бўлмоқда.

Президентимиз томонидан тақлиф этилган лойиҳалар мамлакатимизда фуқаролик жамиятини янада шакллантириш ва демократик шарт-шароитларни тақомиллаштиришга қаратилган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қайта тикланган миллий давлатчилигимиз ривожининг илк босқичида бугунги қонун лойиҳасида тақлиф этилаётган институтларни бирданига қўллашнинг имкони йўқ эди. Бугун ўша жараёнга киришиш вақти етди.

Хозирда мамлакатимизда икки палатали Парламент фаолият кўрсатмоқда, сиёсий партиялар тизими шаклланган. Ушбу сиёсий партиялар демократик институтлардан фойдаланишда етарли тажриба тўплади. Уларнинг деярли барчаси ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари бўйича ўз қарашлари ва платформасига эга.

Қонун лойиҳаларидаги барча гоилар ўринли ва етарли даражада асосланганлиги, уларнинг қабул қилиниши ижтимоий ҳаётимизда муҳим самара бериб, сиёсий-ҳуқуқий фаолликни жонлантиришга замин яратади. Ани пайтада ушбу лойиҳаларда қўйилган талабларга эътиборни қаратишни хоҳлар эдим: лойиҳада муҳолифатнинг шакл-шамойили, аниқ ҳуқуқий мақомини белгиловчи мез-ҳозирга назарда тутилгани муҳим аҳамиятга эга. Хозирга қадар ҳорихидаги баъзи қора кучлар муайян ҳимоятчилик, ювниқўйрулар ёхуд юртни сотиб ҳорихида ялло қилиб юрган тўдаларнинг муҳолифат деб аташга уринмоқдалар. Бирок ҳақиқий муҳолифат, бу мамлакатимиз ҳуқуқий майдонидо фаолият кўрсатувчи, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган юридик субъект эканлиги лойиҳа мазмунида аниқ ифода этилган, яни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, сайловларда сайловчиларнинг муайян қисми овозини олган, бироқ Қо-

нунчилик палатасида етакчи мавқени эгаллай олмаган сиёсий партияларгина ўзини муҳолифат, деб эълон қилиши мумкин. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасининг 2-моддасида ўзини муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси учун қўшимча ҳуқуқларни белгилаб қўйилиши алоҳида аҳамиятга эга. Бундай қўшимча ҳуқуқлар ҳар бир муҳокама қилинган масалалар бўйича муҳолифатнинг алоҳида фикрларини аққол ажратиб олишга имкон беради. Кенг жамоатчилик, етакчи партия нима дейди? Муҳолифат нима дейди? — деган масалада аниқ-равшан тасаввурга эга бўлади.

Маълумки, хозирга қадар сиёсий партиялар ўз фаолиятларида асосий диққат-эътиборларини республика миқёсидаги тадбирларга қаратиб келаятган эди. Урта ва қуйи бўғинда уларнинг фаолияти нисбатан заифлигига қолмоқда эди. Лойиҳанинг 6-7-моддалари сиёсий партияларга ўрта ва қуйи бўғинда ҳам фаол ишлашлари, ўз вақиларини вилоят ва туман ҳокимлари лавозимларида ўтказишда муайян имкониятлар беради. Ўзбекистон Республикасининг Президенти вилоят ҳокимлари номзодларини вилоятлар халқ депутатлари кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг тегишли халқ депутатлари кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этиши, шунингдек, вилоят кенгашлари партия гуруҳларига вилоят ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларни қонкурс фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосли ҳулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқ берилиши сиёсий партияларнинг жойларда фаолигини ошириш учун муҳим юридик асос бўлади.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, қонун лойиҳаларида назарда тутилган ўзгаришлар моҳият-эътибори билан мамлакатимизда давлат бошқарувини демократик асосда янгилашга ҳизмат қилади. Ҳар бир сиёсий партияни нафақат сайловлар пайтида, балки қундалик ҳаётда халққа мақбул ва маълум келадиган гоиларни ишлаб чиқишга, уларни рўёбга чиқариш бўйича муайян савий-ҳаракатларни амалга оширишга ундайди. Бинобарин, сиёсий партияларнинг лоқайд, бепарво шахслар тўдасига эмас, балки барча жихатдан сиёсий фаол кучга айлантирилади. Бундан халққа ҳам, жамиятга ҳам, фуқароларга ҳам, давлатга ҳам фақат ижобий самара келлади.

Омон ОҚУЛОВ,  
юридик фанлари доктори

Серкўён дёнрими ўз мустақиллигини қўлга киритган илк даврда, аниқроқ, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Бош Қонунимизнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз тараққиётида ёрқин истақболларни очиб берди. Юртдошларимиз қалбидо келажакка умид ва ишонч туйғуларни қарор тоғди. Келажакдек ёдимизда: сойқ тузумнинг таназули юзага келтирган иқтисодий бўҳрон аҳолининг руҳини, дунёқарши ва қайфиятига ҳам ўта салбий таъсир кўрсатган эди. «Нима қилиш керак? Эртанги турмуш қандай келад? Тақдиримиз, фарзандларимиз келажаги қандай бўлади?» — деган саволларни тез-тез эшитиш мумкин эди.

## Конституциямиз қабул қилинганлигининг 14 йиллиги олдида ТОТУВЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ДИЁРИ



Бош Қонунимизнинг қабул қилиниши Ўзбекистон халқининг янги тарихида туб бурилиш ясади, ўзбек халқи мустақил ривожланиш йўлини, янги демократик жамият қуриш ҳуқуқий асосини қўлга киритди. Конституция давлатимиз суверенитетини мустақамлади ва фаолиятнинг барча соҳаларида бизга йўлчи юлдўз бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатдаги барқарор вазиятни бузишга интилган айрим галамислар ҳам пайдо бўлди. Улар ўзларини «демократ» деб атаб, амалда миллий ва ижтимоий эътиятларни қўзғашга уринишди. Бундай кучларга бепарқ қараш қандай оқибатларга олиб келганини қўшни республикалар мисолида кўридик. Президентимиз Ислам Каримовнинг конституциявий тузумни

Владимир ШИН,  
Республикаимиздаги  
Корей миллий  
маданий марказлари  
ассоциацияси раиси

(Давоми учинчи бетда)

(Давоми иккинчи бетда)



Talab, taklif, mulohaza

# ЭХТИЁТ ЧОРАСИ

## уни қўллашга доир баъзи фикр-мулоҳазалар

Жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишини таъминлашнинг синьялган усулларида бири дастлабки тергов ва судга бўлган жараён устидан суд назоратининг ўрнатилишидир. Бу борада суд назорати ўрнатилган ривожланган давлатлар тажрибаси ижобий натижалар бераётгани сир эмас.

Эхтиёт чораси, содда қилиб айтганда, жиноят содир этган ёки унга қўл урган деб гумон қилинаётган шахс жавобгарликдан қутулиши учун қочиб кетмаслиги, яна жиноят содир этмаслиги, қилмишига шохид бўлган гувоҳларга, жабрланувчига ва ўзининг шерикларига таъсир ўтказмаслиги, жиноятнинг изини йўқотмаслиги учун уни жамиятдан ажратиб қўйиш тадбиридир. Амалдаги қонунчилик талабига кўра, эхтиёт чораси сифатида қамоққа олиш, оdatда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги туфайли, шунингдек, жиноятчининг суриштирув, дастлабки тергов ёки суддан яшириниши мумкин, деган ўринли тахминлар туғилган ҳолларда қўлланилади. Мазкур процессуал мажбурулов чорасини қўллашга рухсат бериши бевосита тегишли прокурорлар ваколатига кирди.

Конституциямизнинг 19-моддасида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустахкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсизлиги, бу ҳуқуқлардан уларни суд қарорисиз мажбур этишга ҳеч қандай эҳтимоли бўлмаган қўйилган. Шу боис, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилатган судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга, уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ваколатларини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилади.

Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони ана шу ислохотларнинг мақсадли давоми бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишда

судларнинг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган. Фармонга кўра, жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан судлар ихтиёрига ўтказилади. Ушбу Фармон мамлакатимизнинг халқорамон ҳужжатларда баён этилган инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган мажбуриятларини бажариш йўлида қўйган муҳим қадамлардан биридир.

Эхтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши шахс ҳуқуқ ва эркинликларини судга ҳимоя қилишнинг энг мақбул йўли бўлиб, бундан суд, тортишув тамойилга асосан, айбловчи ва ҳимоячи томонидан тақдим этилган далилларга асосланилади. Бу эса, гумон қилинувчи ёки айбланувчига қўлланилиши лозим бўлган эхтиёт чорасини адолатли, оқилона ҳал этиш имконини беради.

Ушбу жараёнда айбланувчи (унинг ҳимоячиси) амалдаги тартибдан фарқли ўлароқ, ўзининг (ҳимоячиси) остидаги шахсининг асосий ушлаб турилишига ёки эхтиёт чорасига нисбатан фикрини айтиш, ўзига билдирилган шубҳа-гумонни инкор этuvi далиллар тақдим қилиш имкониятига эга бўлади.

Амалдаги қонунчилигимизда прокурорга бир пайтнинг ўзида: жиноят иши қўзғатиш, тергов ҳаракатларини олиб бориш, дастлабки тергов устидан прокурор назоратини амалга ошириш, айблов ҳулосасини тасдиқлаш ҳамда судда айбловни қўллаш каби бир қанча ваколатлар берилган. Бу ваколатларнинг энг асосийси — судда давлат айбловини

ва бошқа айрим истисно ҳоллардагина сиртдан қўриб чиқилмоғи лозим. Қамоққа олиш чорасини гумон қилинувчига жиноят иши юрифтаётган жойдаги суд, агар шахс қидирувда бўлса, у шундан ҳудуддаги суд қўллаши лозим. Шундай қилинганда, туман прокурори ушланган шахсини қамоққа олиш санкциясини бормаса, санкция олиш учун уни бошқа туман ёхуд вилоят прокурорига олиб боришдек амалиётга чек қўйилади.

Эхтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ҳуқуқини ушбу тартибда олишнинг асосий шартини яратиб беради. Шунингдек, шахсини ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки бошқа процессуал мажбурулов чораларини судлар ваколатига бериш дастлабки тергов ва ишнинг судга юритилиш даврида суд назоратини қўйиб қўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда дастлабки тергов ва ишнинг судга қадар юришти устидан суд назоратини ўрнатилишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб турибди. 2008 йилгача бу борада тегишли қонун ва меъриий ҳужжатлар қабул қилинади, албатта. Шу муносабат билан, эхтиёт чораси сифатида қамоққа олишнинг суд томонидан ҳал этилишида қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

Жумладан, муайян ҳудудда бир нафардан ортиқ судья фаолият кўрсатса, эхтиёт чорасини танлаш вазифини фақат уларнинг бирига бириктириб қўйиб бўлмайди. Эхтиёт чораси сифатида қамоққа олиш масаласи бевосита шахс ва унинг ҳимоячиси иштирокида, агар гумон қилинувчи, айбланувчи қидирувда бўлган

ва бошқа айрим истисно ҳоллардагина сиртдан қўриб чиқилмоғи лозим.

Қамоққа олиш чорасини гумон қилинувчига жиноят иши юрифтаётган жойдаги суд, агар шахс қидирувда бўлса, у шундан ҳудуддаги суд қўллаши лозим. Шундай қилинганда, туман прокурори ушланган шахсини қамоққа олиш санкциясини бормаса, санкция олиш учун уни бошқа туман ёхуд вилоят прокурорига олиб боришдек амалиётга чек қўйилади.

Эхтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ҳуқуқини ушбу тартибда олишнинг асосий шартини яратиб беради. Шунингдек, шахсини ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки бошқа процессуал мажбурулов чораларини судлар ваколатига бериш дастлабки тергов ва ишнинг судга юритилиш даврида суд назоратини қўйиб қўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда дастлабки тергов ва ишнинг судга қадар юришти устидан суд назоратини ўрнатилишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб турибди. 2008 йилгача бу борада тегишли қонун ва меъриий ҳужжатлар қабул қилинади, албатта. Шу муносабат билан, эхтиёт чораси сифатида қамоққа олишнинг суд томонидан ҳал этилишида қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

Жумладан, муайян ҳудудда бир нафардан ортиқ судья фаолият кўрсатса, эхтиёт чорасини танлаш вазифини фақат уларнинг бирига бириктириб қўйиб бўлмайди. Эхтиёт чораси сифатида қамоққа олиш масаласи бевосита шахс ва унинг ҳимоячиси иштирокида, агар гумон қилинувчи, айбланувчи қидирувда бўлган

ва бошқа айрим истисно ҳоллардагина сиртдан қўриб чиқилмоғи лозим. Қамоққа олиш чорасини гумон қилинувчига жиноят иши юрифтаётган жойдаги суд, агар шахс қидирувда бўлса, у шундан ҳудуддаги суд қўллаши лозим. Шундай қилинганда, туман прокурори ушланган шахсини қамоққа олиш санкциясини бормаса, санкция олиш учун уни бошқа туман ёхуд вилоят прокурорига олиб боришдек амалиётга чек қўйилади.

ки шартлиги, қай ҳолатларда айбланувчининг иштирокисиз (касаллиги, табиий офат, ахлоқ тузағи муассасалардаги карантин ва бошқа) бу масала қўриб чиқилиши мумкинлиги ЖПКда белгиланиши лозим.

Эхтиёт чораси сифатида қамоққа олиш масаласини ҳал этишда ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолатларга ЖПКнинг 51-моддасида белгиланган етти ҳолатни киритиш зарур. Мазкур модданинг 4-бандига эса, ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан ўзгартиришлар киритилиши, албатта. Бизнингча, жазо чораси сифатида ўн йил ва ундан ортиқ муддатга жазо тайинланиши эҳтимоли бўлган жиноят иши содир этганликда айбланган шахс гумон қилинаётган шахсларга эхтиёт чораси сифатида қамоққа олиш масаласини муҳокама этаятган суд мажлисида ҳимоячининг иштироки шартдир.

Жиноят ишлари бўйича қамалган ёки ушланган шахсга дастлабки мақсадлар адвокат томонидан берилуви таъминлаш, шунингдек, мазкур шахсларнинг ушлангани ҳақида қариндошларига 24 соат ичида хабар етказиш механизмини ишлаб чиқиш зарур.

Маълумки, процессуал қонунчилигимизда, хусусан, ЖПКнинг 52-моддасида ҳимоячидан воз кечиш тартиби ва уни расмийлаштириш белгиланган. Чунки, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритилаётган пайтда истаган вақтда ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бу ҳаракат адвокатнинг иштирокида баённома орқали расмийлаштирилади.

Амалдаги қонунчилик жиний таъкиб қилинаётган шахсга ўз ҳуқуқ ва манфаатларини адвокатнинг ёрдамида қўриқиб олиш имкониятини беради.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар инобатда олинган ҳолда ҳуқуқий меъёрларнинг яратилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокат ёрдамида фойдаланиш механизминини такомиллаштиришга ва халқорамон ҳужжатлардаги ҳуқуқий меъёрларнинг миллий қонунчилигимизга янада чуқурроқ синдирилишига ҳизмат қилади.

**Бахром САЛОМОВ,**  
юридик фанлари доктори

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 14 йиллиги олдида

# ТОТУВЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ДИЁРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Айни шу барқарорлик ва тотувлик стратегик вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун қулай шарт-шароитларни яратди. Мамлакат иқтисодиётида, давлат қурилишида босқичма-босқич, аниқ мақсадли тув ислохотлар амалга оширилди, давлат бошқаруви институтлари барпо этилди, жамиятни демократлаштириш жараёни бошлаб юборилди.

Шу ўринда, меҳмондўст ва савоқли ўзбек халқининг барқирорлиги, ҳиммати ҳақида тўхталиб ўтишни истардим. Ташкентдаги марказий майдонлардан бирида ўзбек ишчиси Шоаҳмад Шоаҳмадулов ва унинг оиласи шарофига ўрнатилган ҳайкал қад ростлаб турибди. Бу оила шафқатсиз уруш йилларида ўз бағрига турли миллатга мансуб 14 нафар болани олган. Ушбу ёдгорлик ўзбек халқининг инсонпарварлиги рамзини баён қилган бўлиши мумкин, балки ўзбекистон халқининг қўллаб-қувватлаш ва элликларидан тарқиб тоналгани, бирдамлигимиз ва тотувлигимизга ҳам далолатдир.

Ташкент — нон шаҳри, дейишди. Оғир ҳақатчилик йилларида бир тилшам нон илинжида бошқа мамлакатлардан, ўн минглаб кишилар пойтахтимизга келишгани тарихдан маълум. Аслида, бу ерда фақат ноннинг сероблиги эмас, балки халқимизнинг савоқличилиги, меҳмондўстлиги уларнинг ўз бағрига қорлаган бўлиши табиий. Асрлар мобайнида ёнма-ён яшаб ижод қилган, тақдир тақозоси билан бу серқуёш дийрда қўним тоналган барча халқлар вакиллари учун шу муқаддас замин Ватанга айланган.

Бугунги кунда ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элликларидан истикомат қилинади, улар мустақил Ўзбекистоннинг тараққиётига ўз улушини қўшмоқдалар. Конституциямизда фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мақолида қатъи назар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги, қонун олдида тенглик қаролатилган. Бу эса, давлатимиз сисъатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижроия органларида, жумладан, энг олий органларда турли миллат вакиллари фаолият юритишдади. Иқтисод, фан, таълим, маданият соҳаларида ҳам шундай шароитга гувоҳ бўлиш мумкин. Хар бир миллат ва эллик, сонидан қатъи назар, эътиборга эришиши, она тилини сақлаб қолиш, миллий маданиятини ривожлантириш имконияти эгаллиги сисъатимизнинг муҳим жиҳатларидандир.

Конституциямизнинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили эканлиги, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудда яшовчи барча миллат ва элликларнинг тилларига, оdat ва аънаёларига ҳурмат билан муносабат бўлиши, уларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиши таъминлаши мустахкамланган. Ушбу қоида ҳам мустақилликнинг биринчи қулиридан қайта давоми эканлиги таъминланади. Ўзбекистонда ўрта ва олий таълим 7 тилда олиб борилади, 9 тилда газеталар нашр этилади, 8 тилда телекўрсатилувар намойиш этилади. Эътиборлиси шундаки, бу ишлар барчаси давлат миқёсида амалга оширилмоқда.

Жамоат бирлашмалари — Ўзбекистон халқларининг миллий маданиятини сақлаш ва ривожлантириш масалалари билан бевосита шуғулланувчи Миллий маданият марказлари жамиятимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Бундай марказлар сони бугунги кунда

да 138 тани ташкил этади, улар 27 миллат ва эллик вакиллари томонидан ташкил этилган. Рус, украин, татар, грек сингари бир қанча миллий маданият марказлари самарали фаолият олиб бормоқда. Республика-мизнинг вилоят ва шаҳарларида биригина рус миллий маданият маркази 19 та бўлимоқда. Улар томонидан бир қанча ижтимоий, маърифий дастурлар амалга оширилмоқда.

«Ўзбекистон — умумий уйимиз» фестивали доирасида немиш ва поляк миллий маданият марказлари биргаликда қатор тадбирлар ўтказишди. Кейинги вақтларда украин миллий-маданият маркази Фаргона, Зафаршон ва Самарқанд шаҳарларида ҳам ўз бўлимлигини очди.

Корейс миллий-маданият марказлари ассоциацияси ўз сафига «Тинбо» илмий-техника жамиятини, «Корё» анъанавий корейс ракс ансамбли ва бошқа маданият муассасаларини бириктирган. Ассоциация «Корё симфони» газетасини ўз ҳомийлигига олган. Ассоциация хузурлида ўшар маркази, санъаткорлар, рақсомлар, ёзувчилар, спортчи ва мураббийлар гильдияси тузилган. Улар турли танловлар, кўргазмалар, кўча концертлар ўтказишди. Ўш истеъдод эгалларини қўллаб-қувватлашда, Ассоциациянинг фаолияти тор миллий доирада чегараланиб қолмагани йўқ. Вакилларимиз республика байналмилал маданият маркази, давлат идоралари ва бошқа маданият марказлари билан доимо ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон дунёвий давлатдир. Конституциямиз истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини қаролатилади. Шу билан бирга, диний қарашларни мажбурий синдириши, миллий, ирки, диний ва диний душманликни тарғиб қилувчи сисъий партиялар, жамоат бирлашмалари тузилиши ҳамда уларнинг бундай фаолиятини таъқиқлайди.

Мамлакатимиз диндор аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилувчи мусулмонлар билан бир қаторда провслалар-нарсонийлар, протестантлар, католиклар, буддавийлар, яҳудийлар ва бошқа конфессияларнинг диний жамоалари мавжуд. Қолаверса, уларнинг кўпчилиги мустақиллик йилларида пайдо бўлдики, бу ҳам бизнинг улкан маданият-маънавий ютуқларимиздандир.

Конституциямиз қабул қилинганнинг навбатдаги санасини нишонлаш арасида айтиш жоизки, Ўзбекистон мустақил давлатлар сафида қад ростлабгина қолмасдан, балки демократик ривожланиш йўлига қатъий кирди. Утган йиллар мобайнида халқимиз амалга оширган бунёдкорликлар самараси яққол намён бўлмоқда. Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суратлари йилга ўртача 8 фоизни ташкил этади. Автомобил-созлик, электроника саноати сингари юқори технология тармоқлари барпо этилди. Янги корхоналар, магистрал йўллар қурилмоқда, шаҳарларимизда меҳмонхоналар, турли турак-жой масканлари, ўқув юрталари, саломатлик муассасаларининг замонавий бинолари қад ростламоқда.

Узгарилар ўз-ўзидан амалга ошаётгани йўқ, албатта. Ҳали олдимизда улкан вазифалар, ечилмаган муаммолар турибди. Шуларга қарамай, Ўзбекистон ишонч билан қатта келажакка дадил оидимамқда. Бу йилда Конституциямиз бизнинг мустақиллигимиз, танлаган йўлимиз қаролати-ди. Ҳеч қандай куч бизни — кўп миллатли халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтаришга қодир эмас.

# Jinoyat va jazo

## ЖАҲОЛАТ ГИРДОБИ

Марказий Осиё минтақаси гиёҳвандлик воситалари тарқаладиган транзит ҳудудлардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки, қўшни Афғонистонда ҳали-ҳануз гиёҳванд моддалар етиштириш камаймапти. «Оқ ажал» плантацияларидан йиғилтириш олинаётган хомашё, афсуски, ҳамон афғон элининг асосий даромад манбаи бўлиб қоляпти.

Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида яшаб келган Қобилбек Солиев (барча исм-шарифлар ўзгартирилган) бошчилигидаги гуруҳ ана шундай нопок ишни ўзига касб қилиб олди. Улар икки йилдан кўпроқ вақт давомида Тожикистон Республикасида олиган «героин» гиёҳвандлик воситасини мамлакатимиз орқали Россияга олиб ўтиш билан шуғулланиб келган. Бу жиний гуруҳ гиёҳвандлик воситаларини давлат чегаралари орқали олиб ўтиш имкони мавжуд эмаслигини билиб, антика йўл: ўз ошқозонларидан «бункер» сифатида фойдаланишган.

Қобилбек ўша кун келажакда қисматини буткул ўзгартириб, бутун ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборишини билганда, қандай йўл тутган бўларди? Хар ҳолда у бугун суднинг қора курсисиде ўтириб, булар ҳақида йўлар экан, бутун ақлу тафаккурини пушаймонлик ҳисси эгаллаб олган. Бироқ ўша кун Денов бозориде Улфат томонидан «героин»ни ўтказиб бериш ҳисобига бериладиган пули ўйлаганда, бу қилмишининг оқибати қандай эканлигини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Очиги, Қобилбек дастлаб Улфатнинг галати тақлифидан таважубга тушди. Айниқса, «нега айнан мен танладим», деган савол уни йилангирган энг қатъи жумбоқ эди. Чунки бозорда ундан бошқа яна қанча одам бор, ахир. Еки бу одам уни лақиллатмоқчимиз? Балки у Қобилбекнинг гиёҳвандлик воситасини сотиш билан шуғулланишини шубҳа қилиб, орқасидан тушган тегишли идора ходимимикан?..

Қобилбекнинг хаёлида шу каби шубҳа-гумонлар гулжон тортиб айланаётган бўлса-да, лекин ичиде алақандай куч уни Улфатнинг гап-сузларига ишонгани ундарди. Ҳўш, нима қилиш керак? Бутун ҳаётини гаровга қўйиб, қисқа вақтда анчагина даромад қилиш маққули ёки... Қобилбек икчилиб қолди. «Буюртмачи» унинг ер чи-

### Суд очерки

зиб қолганини кўрса ҳам шовилмади: — Ака, сиз кўрқманг. Шунча одам қилиб юрган ишни сиз қилолмайсизми? — Улфат бироз тин олди-да, суҳбатдошининг миқ этмай ўтиришини кўриб, гапида давом этди. — Яхшиси, бундай қилмайсиз. Сиз обдан ўйланг. Мен икки-уч кундан сўнг уйингизга бораман, қўлим? — Улар хайрлашишар экан, Улфат гап қотди: — Айтганча, манзинлигини сўраш ёдимдан чиқибди. Қайерда яшайсиз?

Қобилбек уй манзинлиги айтганч, бўлажак «хамкорлар» ажралмиди. Йўл-йўлақай Улфат беражак пулнинг сеҳридан сархуш бўлган Қобилбек ич-ичидан бу қалитс тақлифга рози бўлди. Бу иш қонунга зид эканлиги-ю, бутун ҳаёти қиморга тикилганлиги ҳақидаги аввалги фикрлари сароб мисоли ҳавога учиб кетди.

Орадан уч кун ўтди. Қобилбек эрталаб хотинининг «сизни қандайдир бегона киши сўрапти», деган гапини эшитди-ю, кўча эшигини томон ўқдек отиди. «Танниш» деган савол уни йўловчидек таассурот қолдирди. У хонадон соҳибини кўчқоч қўчиб олишига ҳам, меҳмоннавозлик қилишига ҳам парво қилмади. Чунки мезонининг севтавозелиги яна битта жонли «контейнер» тайёрлигини кўрсатиб турарди. У саломликдан сўнг тезда мақсадга кўчди: — Ҳўш, ака, нима бўлди? Уйлаб кўрдимизми?

Қобилбек гапни чўзиб юборса, меҳмони кетиб қоладигандай шоша-пиша: — Мен розиман, — деди. — Бўлмаса, ўзингиз учун керакли нарсаларингизни олинг. Ҳўжжатлар ҳам эсдан чиқмасин. Тағин у ер-бу ерда теқширганда муаммо-

лар чиқиб, ярим йўлдан қайтиб юрманг. Уй эгаси ҳўжасидан амр кутган кўппақдай югургилаб, нарсаларини ҳозирлашга тушди. Уйдан чиқиб кета туриб, хотинининг савоқчан назарини пайқаб, «зарур иш билан кетаяпман, бир-икки кундан кейин қайтаман. Қайтамасан, хавотир олма», — деди-ю. Улфатнинг ортидан кўча эшикка қараб йўналди.

Улар ўтирган машина Узун туманининг Тожикистон билан чегародош «Чакар» қишлоғига борганча, Улфат ҳам, Қобилбек ҳам деврли гапирмади. Манзилга етиб, ҳайдовчининг қўлига йўл ҳақини тутқазган «буюртмачи» Қобилбек билан яёв қишлоқ ора-лаб кетишди. Улфат Қобилбекка йўл-йўлақай бозорда айтган гапларини қайта такрорлар экан, фақат бу гап «мижозининг қиладиган ишларига алоҳида урғу берди: — Ҳўш меникига бормасиз. Кейин сизга хар биттаси беш-олти грамм бўлган 45 донга «героин» капсуларларини бераман. Сиз кўрқманг, уларнинг соғлигингизга зиёни бўлмайди, фақат эхтиёт бўлсангиз, бас. Уйга борган, ютишини ҳам ўргатиб қўяман, — Қобилбекнинг бутун вужуди қулқок айланиб, Улфатнинг сузларини тинлар экан, баъзан йўлда ётган тошларга оёгини уриб олар, аммо кўзини «танишни» эдан узмасди.

— Кейин Ташкентга бориб, у ердан Ташкент-Москва йўналишидаги поездага чиқиб, Москвада «Казанский» вокзалида тушасиз. У ерда сизни ўзим кўтиб оламан. — Ҳаммаси сиз айтгандек бўлади. — Сиз ҳозир шундай деясизми-ю, у ёққа борганча ҳаммасини унутиб қўясиз. Бундайларни кўп кўрганман. «Буюртмачи»нинг сўнгги гапидан Қобилбекнинг юраги музлаб кетди.

(Давоми тўртинчи бетда)



Юрт жамоли

### XXI АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

### ИРОҚ: 10 НАФАР КИШИ ҚУРБОН БЎЛДИ

Россиянинг «Интерфакс» ахборот агентлиги тарқатган

жойлаштирилган портловчи мосламанинг ҳаракатга келиши оқибатида 10 нафар киши ҳаётдан кўз юмган, 30 нафар киши эса турли даражада тан жароҳати олган.

Яна шунга ўхшаш воқеа Богдад шаҳрида жойлашган Эрон элчихонаси биноси ёнида содир этилди. Машинага жойлашган портловчи мослама ҳаракатга келиши натижасида 1 нафар киши оғир яраланган, йўлда кетаятган 10 та автомобилга ҳамда элчихона биноси жиддий зарар кўрган.

Бундан ташқари Багдадда Ироқ полицияси зобитига номаълум шахслар томонидан сунгасуд уюштирилган, шунингдек, мамлакат вице-президентларидан бирининг 2 нафар кўрчиси номаълум кишилар томонидан ўққа ту-

### ФАТХ ВА ХАМАС — ҲАМКОРЛИК ЎРНАТДИ

Утган яқшанба кун эса террорчи-камикадзе мамлакат полиция маҳкама биноси ёнида, иш излаб келган одамлар орасида ўзини портлатиб юборган. Бу хунрезлик оқибатида 35 нафар киши ҳалок бўлиб, 60 нафар киши аҳоли вакили жиддий жароҳат олган.

### БУШ МАВҚЕИНИ ЙЎҚОТМОҚДА

АҚШда бўлиб ўтган сайловларда «Демократлар» вакиллари галаба қозонган. Президент Жорж Бушнинг мавқеи Конгрессда яна ҳам қуйроққа тушиб кетганлиги маълум бўлди. «Newsweek» журналин халқ орасида ўтказган сўровига кўра, Буш сисъатини фақатгина 31 фоизини америкаликлар қўллаб-қувватламоқдалар, холос. Шунингдек, бошқа текширувлар натижасига кўра, 66 фоиз америкалик Бушнинг то президентлик мuddати тугагунгача, аниқроғи, 2009 йилгача ички ва ташқи сисъатда

### Шу билан бирга Ок уйнинг бошқа мулозимлари ҳақида ҳам сўров ўтказилган. Масалан, АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд Бушдан ҳам пастрок кўрсаткичда экан. Унинг рейтингини 24 фоизни ташкил этган бўлса, мамлакат вице-президенти Ричард Чей Буш билан тенг кўрсаткичда, яъни унинг рейтингини 31 фоиздан иборат эканлиги аниқланди.

Маълумотларга қараганда, сўров телефон орқали тўққизинчи-унинчи ноябрь кунлари ўтказилган, унда мамлакатнинг 1006 нафар фуқароси қатнашган.

### Интернет маълумотлари асосида Бобомрод РАЙИМОВ тайёрлади

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!!!

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси Ўзбекистон аёлларининг нуфузини ошириш, жамият ҳаётида тугган ўрнини мустақамлаш ва уларнинг юртимизда кечаётган демократик жараёнлардаги иштирокисини кучайтириш, аёли эъозлаш ва улуглаш мақсадида матбуот ва оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ижодкор журналистлар ўртасида

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

номли хотин-қизлар ҳаёти, сиёсий фаолиги, ҳуқуқий бил-маларини ошириш борасидаги амалий ишлар, ҳуқуқий савод-хонлик ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ютуқ ва қамқилишлар, эришяётган муваффақиятлар Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган Халқаро конвенциялар ижроси тўғрисида, Ватанимизнинг халқаро майдондаги раванги айтаётган қилинган ишлар ҳақида матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ёритилган энг яхши мақола, телекўрсатув, радиозоширтиш ва фотокўрсатмалар кўриш-танловини эълон қилади.

Мазкур танловга Ўзбекистон аёлларининг сиёсий фаолиги, орзу-интиллари, ижодий зафарлари, ҳуқуқий таълим-да самарали меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз ҳақидаги ахборот, фотокўрсатмалар, кўрсатув ва радиозоширтишлар тақдим этилади.

Танловга тақдим этилган материаллар 2007 йил 15 февралга қадар топширилиши шарт. Кўрик-танлов ғолиблари 2007 йил 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафаси-да эълон қилинади.

Ғолиблар қимматбахо совғалар билан тақдирланади. Қорақалғоннинг Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳри хотин-қизлар кўмиталари мазкур кўрик-танловни алоҳида ўз ҳудудларида ўтказадилар.

Қўшимча маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат қилинг: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй. Тел/факс: (998-71) 139-40-12, 139-40-42, 135-73-89, 135-74-67

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси

ЭЪЛОН!

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси Самарқанд шаҳар 6-сон нотариал идорасининг давлат нотариуслик лавозимига танлов эълон қилади.

Танловда нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган, олий юридик таълимга эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иш-тироқ этишлари мумкин.

Давоғарлар танлов газетасида эълон қилинган кундан бошлаб бир ой мuddатда Самарқанд вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин. Давоғарлар куйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

- 1. Нотариат бўйича Малака комиссияси номига аризи;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтаридаги нотариал таъсисдан нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал таъсисдан нусхаси;
6. Нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошлаган фуқаро қайта малака имтиҳонини топширилгани ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри, Камол Отатўр кўчаси 21-уй. Телефон: 233-13-59, 233-71-57.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариал бўйича Малака комиссиясининг 2006 йил 18 сентябрдаги 19-сонли қарори билан Бақиева Махзуна Фаёзуллаевнага адлия бошқармаси томонидан 1997 йил 29 август кунин SA 000034 серияли 34 рақам билан қайд этилган нотариал фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия БЕКОР ҚИЛИНДИ.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг Хайбат қарорига асосан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчаси, 32-уйда жойлашган «PRAVO DLYA VSEX» адвокатлик бюроси номига берилган гувоҳнома БЕКОР ҚИЛИНДИ.

Jinoyat va jazo

ЖАҲОЛАТ ГИРДОБИ

«Давоми. Боши учинчи бетда»

Бу гап унга «мен сендан олдин ҳам нечтасининг бошига етганман, сен ҳам омон қолмайсан» дегандек маънони аниқлашди.

— Йўғ-е, ундай деманг, хотирам яхши, қолвераси, уйидаги кетмаётганимни ҳам жуда яхши тушунаман, — деди Қобилбек миясига келган фикрни хайдамоқчидай.

— Бунга вақт кўрсатди, — деди Улфат. — Олдин келишимиздек, ҳозир йўл ҳаракатларингиз учун 250 доллар бераман. Хизмат ҳақингизни эса капсулаларни берган, олмас.

Улфат эса жағи-жағига тегмай гапираркан, тўсатдан атрофга олазарак нигоҳ ташлади. Қишлоқ одамлари анчайин содда эмаси, ҳаммаси ўзи иши билан банд, улари эътибор беришмасди.

Хаммаси жойида эканлигига ишонч ҳосил қилган, Улфат яна гапиди давом этди:

— Бу ерни яхшилаб эслаб қолинг. Чегарани кесиб ўтганинг энг ҳафсида жойларидан бери. Қайтишда шу йўналиш бўйича битта ўзингиз келасида.

Чегарани ноқонуний равишда кесиб ўтган «танашлар» Тожикистоннинг Рудакий туманидаги «Ташбака» қишлоғига. Улфатнинг уйига етиб келди. Хар бири 5-6 граммдан 45 дона «героин» капсулаларини «буортмачи» кўрсатиб берган йўсинда олган Қобилбек ундан йўл харо-жатларини олиб, худди шу йўналиш бўйича Теринга қайтиб, у ердан «Териз-Тошкент» автобусида Тошкентга, ундан Москвага етиб борди.

«Казанчи» темир йўл вокзалида уни соғ-омон етиб келганини кўрган Улфат хурсандчилик билан қарар олди: — Сизни тегирмонга тушириб юборишса ҳам бутун кишиниғизни билардим, — деди у хушомад оҳанг-да. Қобилбек унинг гаплари ёқиб тушди-ми ёки «сафарни» бехатар ўтгани унунини, ҳарқалай, унинг ҳам озги кулгида эди.

Muhokama uchun mavzu ҚАРИНДОШДАН ҚИЗ ОЛМАНГ!

Оила — жамият таянчи, унинг пойдевори эса никоҳдир. Бу хусусда ҳаммабларнинг, табиий ҳодимлар ва бошқа мутахассислар томонидан кўп марта турли-туман фикрлар билдирилган. Бундан кўзланган мақсад эса битта — қонуний никоҳ, унинг шартлари, талаблари ва ҳуқуқий аҳамиятини фуқароларимиз онинга янада чуқурроқ сингдиришдир. Шундагина оила чинакамга жамият таянчига айланади.

Истиқлол йилларида оиланинг пойдеворини мустақамлаш, ундаги муҳитни барқарорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Биринчи Вазиран Маҳкамасининг қарорига биноан оила қуришга аҳд қилинган йигит-қизларни табиий кўриқдан ўтказишнинг катъий йўлга қўйилиши ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади. Албатта, бу савий-ҳаракатлар ҳақида ўзининг юксак самарасини бермоқда. Бундан ташқари, ФХДЕ бўлимлари томонидан олиб борилган тарғибот ишлари ҳам бевосита шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Афсуски, ана шундай хайрли ишлар амалга ошириляётган бир пайтда, никоҳ ва унинг талабларига бефарқ ва лоқайд муносабатда бўляётган кишиларнинг учраб туриши кишини таажубга солади. Аниқроқ айтганда бўлсақ, ҳаётда ҳамон яқин қариндошлар ўртасида оила қуриш ҳоллари кам бўлса-да, учраб туради. Бундай никоҳ ақсарият ҳолларда оғир оқибатларга олиб келишига жуда кўп марта гувоҳ бўлганмиз.

Шу ўринда ўзим бевосита гувоҳ бўлган бир воқеани хикоя қилсам, фикрим янада ойдинлашади. Бундан икки йилча бурун эр-хотин бўлими-мига келишди. Сирдан қузатган, кишига улар бир-бирларига жуда меҳрибон экани шундай сезилиб

турарди. Хол-аҳвол сўрашган, уларга берган биринчи саволим шундай бўлди: — Никоҳдан ўтмоқчимисизлар?

— Йўқ, — дейишди улар ва негадир бошларини куйи солишди. — Биз никоҳимизни бекор қилдириш учун келдик. Мана, никоҳ қоғозингиз...

— Сирдан қараганда, сира бунга ўхшамасизлар... Рост гап, тушунолмай қолдим, — дедим мен ҳайрон бўлганимни яширолмай.

— Сабаби оқидий, ўртада фарзандимиз йўқ, — деди келин кўзларига ёш олиб. — Ҳамид акам билан турмуш қурганимизга 9 йил бўлди. Яқин қариндошимиз. Ота-оналаримиз ўзаро борди-келдилар ўзлиб кетмасин, деб бошимизни қовуштиришганди. Турмушимизга бутун маҳалла ҳавас қилади. Қайнона-қайнотамни тиллага қиёслаймиз. Хар гапларида «қизим» деб кўнглимни кўтаришди. Тўққиз йилда икки марта фарзанд кўрдим. Бирок касалланд туғилган чақалоқлар ун кун яшади, холос. Яна бири туғилмай туриб нобуд бўлди. Иккаламиз ҳам соппа-соғимиз...

Ҳамма гап бизнинг яқин қариндош эканимизда... Биз бир-биримизнинг бахтимизни қачонгача боғлаб қорамиз, дей ахир шундай қарорга келдик. Бу иккимиз учун ҳам оғир, аммо шундан бўлак йўлимиз ҳам йўқ...

Тўғриси, бу икки ёшнинг қисмати мени каттиқ ўйга солиб қўйди. Бир томондан, уларнинг аҳил-инок, бир-бирига меҳ-оқибатига кишининг ҳаваси келса, иккинчи томондан, икковининг ҳам юрагини кемираётган фарзанд доғи кишини изтиробга солади. Энг ёмони, улар азбаройи ота-оналари, қариндош-уруғнинг хоҳиш-иродасига бўйсуниб, шундай қисматга дучор бўлишган. Бу чуқур ўйламай босилган қадамнинг оқибатидир.

Қисқаси, ўша кун улар хар томонлама чуқур ўйлаб ахирини, шундай қарорга келишган экан. Амалдаги қонун-қоидаларига мувофиқ уларга уч ой мuddат бердик. Белгиланган мuddат ўтган, улар келиб, бир-бирларига бахт тилашди...

Уларни қузатар эканман, хар иккисига ҳам ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишига тилаб билдирдим. Бундан ташқари, яна икки оилани билламан. Уларнинг бирининг 2 нафар, иккинчисининг 3 нафар фарзандлари бор. Аммо болаларнинг биронтаси ҳам соғлом эмас. Бунинг сабаби — яна ўша қариндош-уруғчиликка бориб тақаллади. Шундай экан, оиланинг ёши улуглари, ота-оналар ўзи хоҳиш-истакларига деб фарзандларининг, айланиса, туғилмакча наби-раларининг ҳаётига раҳна солмаслиги керак. Чунки фарзанд — оила чирогини. Унинг шодон кулгисини, кийриқларининг эшитиб кўнглимиз таскин толади. Борди-ю, фарзанд носоғлом бўлса-чи?..

Малика ЧОПКИЕВА, ҳуқуқшунос



Куз манзаралари

Sirli dunyo ХОТИРА УЙҒОНСА ҒУЗАЛДИР

Инсон буюк кашфиётларини ҳам, турмушдаги оддий воқеаларни ҳам, ҳатто шахсий ҳаётти-ҳаракатини ҳам хотираси орқали идора этади, яратди. Аммо шундай воқеалар ҳам бўладики, кунлардан бирода одам уйдан чиқадими, дом-дараксиз кетади. Унинг яқинлари қийдиришни бошлайдилар. Миллиция маҳкамалари, касалхоналар, таниш-билиш ва қариндош-уруғларнинг уйлари тинтиб чиқилади, бироқ у ҳеч қаердан топилмайди.

Бундай онларда фолбиллар турли афсоналар тўқийдилар. Эл орасида, уларни улар ликошлар олиб сайёраларга олиб кетганликлари тўғрисида турли миш-мишлар учрайди. Аслида биз назарда тутаятган, соғ-саломат бўлса-да, ўзини елиб-юғриб қидираётган яқинларига бепарво одам қим? Булар эслаш қобилияти — хотирасини йўқотган одамлардир. Одатда, бундай одамлар узок қидиришлардан сўнг темир йўл бекатларининг, қир-қирлардан, дарё бўйида экуд қиши қишлоқдан «чиқиб қолдилар». Энди улар ўзларининг қимлигини, бу ерларга қайтдан келиб қолганликларини, ҳатто исм-шарифларини ҳам билмайдилар, яқин қариндошларини ҳам танимайдилар. Энг ажаблариски, бундай қишлар табиий кўриқдан ўтказилганда врачлар уларга мулақо соғлом, деб ташхис қўйишган. Руҳий касалликлар руҳи-фокорлари эса бу ҳодисанинг ш-қийриқига, ирсий касалликларга ёки ҳам урғайдиган касалликларга бутунлай алоқаси йўқлигини таъкидлайдилар.

Савол туғилди: бундай одамлар онгидан асосан таржимани холи, яъни автобиографияси ҳақидаги маълумотлар ўчиб кетишининг сабаби нима? Эҳтимол, бу ташқи кучлар томонидан инсон миясида ўтказилган бешафқат тақриба-эксперимент сабабасимасикин?..

Дом-дараксиз йўқолган эди... Қаҳрамонимиз Виктор Пислар. У Волгоград областида туғилган, — дея хикоя қилади «Мир новостей» газетаси муҳбири Елена Воронцова, — бундан икки йил муқаддам Виктор қўлида совга-салом билан собик хотини Тарбиясида бўлган ўглини йўқлаб келиш ниятида йўлга чиқди. Викторни қариндошлари Калининград автобусига кузатиб қўйдилар. Шу бўйи у бедарак кетади. 2004 йилнинг 28 май кунин «Мени куттин» курсатувида «Номалум-29» рақамли одамнинг тақдирини ҳақида маълумот берилди. Бу қаҳрамонимиз Виктор эди. Курсатувда айтилишича, Викторни Москвадан 60 чақиримча олдиданги хилват жойдан одамлар топиб олиб, икки ишлар ҳодимларига топширишди. Миллиция ҳодимлари эса уни Сербский номиданги институтга текшириш учун жўнаштиди. Айнан ўша институтда ўтказилган мулоқажлар пайтида Викторни юқориданги рақам билан номланган эдилар. Уни телевизорда курсатилари билан, дастлаб турмуш ўртоғи таниб қолди. Афсуски, уларни юзма-юз қилганлариди у хотинини танимайдилар.

Ордан икки йил ўтди. Виктор ва унинг оила аъзолари яшайдиган Волгоград областининг Верхоякье қишлоғига ташриф буюрдик. Егоч уй, печка, қудуқ. Унинг онаси Галина Константиновна жуда дилқаш аёл экан. Мен Викторнинг хотираси тикландими?, деб сўрамоқчи бўлиб турган эдим, ёнимизга Викторнинг 4 ёшли қизчаси велосипед миниб келиб қолди. Викторнинг хотираси тикланишига ва янги ҳаётга қайтишига айнан шу қизалоқ сабаби бўлган экан.

СўРАТЛАР УНИНГ ХОТИРАСИНИ ТИКЛАМОҚДА... Викторнинг онаси билан сўхбатлашар эканман, у қўлидаги рўсталини ўйнади, асабийлашяётгани сезилиб турарди. — Галина Константиновна, одамнинг боласи дом-дараксиз кетса, ота-она ақлдан озини ҳам турган гап. Улғингиз йўқолган пайтида қандай аҳволга тушган эдингиз? — Бу даҳшатли воқеа ҳақида сўзлаб беришингиз ўч оғир. Бир-икки ой телефон ёнига боришга ҳам қўрқдим. Хаёлимда гўё ўлгининг мурдаси топилганлиги ҳақида хабар беришадигандай туюлверарди. Лекин ич-ичимдан ўлгини Витенька тикир, у қайтиб келад, деб ишонар эдим. Ахир, у жуда ювош, бирок билан уришмаси, ичмаси, нега бундай қўрғунликка дучор бўлди... Қўча-қўйда уни таниган-билганлар салом берилашади. У эса ҳеч кимни танимайдилар, «бу одам ким?» — деб сўрайдилар мендан. Одамнинг юраги эълиб кетаркан. Унинг рафқаси Наташа ҳам, мен ҳам ташвишлардан, у чекяётган руҳий азоблардан озиб-тўзиб, сочларини оқариб кетди.

Хозир у жуда сирли, камгап бўлиб қолган. Сенга нима бўлди, деб сўрасам, узок ўйланги туради, деб ҳарасани эслаб олмаган, ранги оқариб кетади. Қишлоқдагилар унинг бундай ҳолатига турлича муносабатда бўлишади. Базиллар ундан қўрқиб, яқинлашмасликни афзал билишса, бошқалар унинг дардига шерик бўлиб, қўнглини қўтаришга ҳаракат қиладилар. Бировлар эса у хотирасини йўқотганига ишонқирамай қарашади, «ўлгингиз артист, баҳонани қотириб ташлайди», деб қўлишади. Энг ачинарлиси, бу воқеадан сўнг, ундан дўстларининг кўпчилиги юз ўғирди. Фақат Коля исми дўстимизгина у билан хануз ҳамдард, ҳамнафас. — Наташа сизга ҳам осон бўлмагандир? Ахир, у турмуш ўртоғингиз сизни таний олмаса... — Жуда алам қиларкан. Аммо мен шу қўрғунликни бошимизга турган, уни ҳаммадан ҳам кўпроқ яхши кўришимга амин бўлидим. Айнан унга бўлган муваббатим уни топширишга кўп-қайрат бағишлади. У топилган, илк учрашувимизда бизни кўриб дир-дир титради, юзимизга соғувчанча боқиб қўради. Шунинг учунми, мен ҳам уни қўнганимда бутунлай ёт одамни қўнгандай, қўриб кетдим. Ушадди Виктор на мени, на

Хозирда Виктор илгари мусиқачи бўлганлигини идрок этипти. Фортелано чала бошлади. Назаримиз, у ўтган умри давомидидаги ҳамма воқеа-ҳодисаларини ҳам эслаш шарт эмас. Алликка, ўша машҳур сирли «Йўқолиш» воқеасини. Билиб бўлмайди. Эҳтимол, ўша машҳур хотира унинг руҳиятида яна қўли ўзгартишлар ясаши мумкин. Афтидан, ушунда ниҳоятда қўриқчилик ҳодиса юз берган Виктор ҳам мумкин. Оқибатда эса, Виктор ўз хотирасини батамом йўқотди, эс-ҳушидан ажралган. Шифокорлар бунинг сабаблари ҳақида турли-туман фикрларни билдиришмоқда. Одамлар оғзиди ҳам турли миш-мишлар юрипти. Мисол учун кимдир уни иссиқ-сувуқ қилган, таомига нимадир қўшиб берган деса, яна кимдир, эси оғиб қолган профессор ўзи ишлаб қўнган янги доирисини аялсизини шарбатига қўшиб, уни Викторда ойнаб қўрган, дейишди. Хуллас, ўшуби ҳодиса атрофида шунга ўхшаш турли-туман олд-қонди гаплар... Буларнинг қайси-қайси ишонинишнинг ҳам бил-майсан. Викторни ўша сайёраларга олиб кетиб, миясида тақриба-инсон ўтказган деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Нима бўлганда ҳам, олимлар олдида инсон хотирасида шаклланиган, муқарраган воқеаларни ўзир-иқиб оқорувчи, бундай гайриоддий ҳодисанинг сабабларини тушунириб беришдек узок вақифа қўндалан бўлиб турибди.

Ақсарият ҳолларда хотирасини йўқотган одамларга жуда кўп қодилар бир-бирига жўра бўлишади. Бу кимнинг иши? Нега шундай воқеалар содир бўлишмоқда? Афсуски, хозиргача сир-сирлигича қолмоқда.

Хозир Викторнинг аҳоли анча яхши. Қишлоқдаги ёғоч ўсаида иш-ламоқда. Уш туғилиб ўзига жойларда сайр қилган экан, болалик хотиралари билан хайратланган. Яна ўша йил-яшил ўтлоқ, нинабар дарахлар, тинч оқиб дарё. Эҳтимол, шу дамларда уни ўраб турган олам қўнчилигини худди фото ва видеоасуратлар мисоли унинг кўзиде ўтатгандир. Яқинда Виктор тонадий уйига қолувчи сифатида ишга чақирди. Энди у болалиқдан қалиб қолган куйларини янги жозоба билан ижро этишга ҳаракат қилди. Ахир, у қайтадан туғилди, дунёга келди.

Инсон умри мобайнида нейронни бошдан кечирмайди, деса у қанчалар яратувчан, дунё ишларга қодир бўлган, бунининг сирли ва гайриоддий ҳодисалари қаршида шунчалар оҳидир. Аммо бир-бирликка бўлган меҳр-муваббат, топилган, илк учрашувимизда бизни кўриб дир-дир титради, юзимизга соғувчанча боқиб қўради. Шунинг учунми, мен ҳам уни қўнганимда бутунлай ёт одамни қўнгандай, қўриб кетдим. Ушадди Виктор на мени, на

ИМАНОТЛА МАНАВОН, жинотлар бўйича Тошкент вилоят суди судьяси

Суд очерки

«героин»нинг миқдори кўпайган, йўналиш эса ўша-ўша... 50 дона «ажал уруғини» ютган Қобилбек иккинчи марта ҳам хавф-хатарсиз айтилган манзилга етиб келди ва «бу-юртмачи»дан ҳақини олиб ўйига қайтди.

2003 йилнинг июнь, сентябрь ойларига бир мартдан, октябрда икки марта ва 2004 йилнинг январь ойида Қобилбек 300-400 граммдан ажал уруғини етказиб бераркан, ушбу зах-ри-заққум оқибатида дунёда нечача одамлар азобланиб, жон бераётганини, неча-неча оилалар тинч-лиққа дарз кетиб, болалар етим қоллаётгани-ю, яна неча-неча оилаларда турли ногирон болалар дунёга келаётганини уйлаб қўрганмиди? Келди, айўқ. Агар бу каби кулфатларни бир зум бўлса-да, ўйлаб, улар ўрнига ўзини бинки оиласини қўйиб қўрганда эди, балки бу йўлдан қайтган бўлармиди?! Бирок у буларни ҳаёлига ҳам келтирмасди, аксинча, бу разил ишга қариндош-уруғларини ҳам торта бошларди.

Дастлабки «хамкор» поччасининг қўлгадан қингир ишлари ва топаятган даромадидан хабар топган Нозима эди. Хали вояга етмаган, икки гулдек фарзанди бўлишига қарамасдан, кўча ҳаётини ўзига қасб қилиб олган бу аёл поччасидан ўзини ҳам бу ишга жалб қилишини илтимос қила бошлади. Қобилбек ҳам кўп обғини тираб ўтирмай, рози бўлиб қўйи қолди.

Бунинг устига қаллобликда шай-тонга ҳам сабоқ берадиган Улфат яна қачондир «миқозининг» эшигига бош уриб келишини биларди. Шунинг учун ордан тўрт ой ўтиб кўл теле-фонда таниш овозини эшитаркан, хайратга тушадилар, аксинча, «нега бунча вақт йўқ бўлиб кетдингиз?», — Хуллас, ажал тарқатувчан яна учрашди ва ўтган гапидек Улфат-никага йўл олишди. Фақат бу сафар

ўзига эп кўрмади. Фақат аёлга ишонмадими ёки синаб кўрмоқчи бўлдими, сўради:

— Бу ишни эълай олмасинми? — Ҳа, албатта, — Нозима ўз жа-вобидан ўзи қоникмади шекилли қўшиб қўйди, — Эълайман.

Улфатдан рухсат теккач, икки қариндош у билан биргаликда Тожикистонга йўл олишди. Бу ерда уларнинг хар бири 55 донадан «героин» капсулаларини ютиб, Тошкент-Москва» поездидаги чиққан «йўлчилик» ҳеч кимни шубҳалантирмай, Россия пойтахтига, у ердан Улфат билан яна шаҳар четигада дала ҳовлилардан бирига бориб, капсулаларни «чиқариб» беришди.

Февралда яна худди шундай «сафар» уштирган қариндошлар сафига келинги маротаба Ноҳидра исми аёл ҳам қўшилди.

2004 йилнинг майида «учлик» яна бир маротаба «героин»ни манзилга етказиб берган, ордан бир ой ўтиб амалга оширилган навбатдаги «сафар»да уларнинг сафи яна кенгайди. Аниқроғи, Қобилбек ўз жиний гуруҳига қариндош Нозимани ҳам жалб қилди. Узун туман автостанциясида учрашган жиний гуруҳ айланма йўллар билан хар доимигдек Улфатнинг уйига эмас, балки Душанбе шаҳрига, Юнусбек исми янги «буортмачи»нинг олдига йўл олишди. Юнусбек уларнинг хар бирига 55-60 донадан, умумий оғирлиги ярим килограммча келадиган «героин» капсулаларини берган, ажали ташувчилар қарвоини хар гапга машурат бўйича Москвага эмас, Самара шаҳрига йўл олишди. Бу ерда уларни кўли аёл кутиб олиб, уйига олиб кетди.

Халқимиз кўза кўндал эмас, куниди синади, деб бежиз айтмаган. Манзилга етиб келган «меҳмонлар» икки-уч кун давомидида капсулаларни «чиқариб» беришга тушди. Бирок Нозим негадир бирорта ҳам капсулани «чиқара» олмади. Оқибатда уй эга-

ИНСОН ВА ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ
ТАХРИР ҚАЙЎАТИ: Бўригош МУСТАФОЕВ, Илхор АБДУЛЛАЕВ, Маавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ

ТАХРИРЯТГА ЮБОРИЛГАН ҚўЛБЕМАЛР ЭГАЛАРИГА ҚАЙТАРИЛАЙДИ ВА УЛАРГА ЎЗГА ХАВОБ БЕРИЛМАЙДИ. Муаллифлар фикри таъбирнинг нуқтани назардан фарқ қилиши мумкин. Фақат ва далиллар тўғрисидаги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: БОБОМУРОД РАЙИМОВ
Саҳифаловчи: Фарход ХУЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятини компьютер базасида термиди ва саҳифаланди. А-2 бинида, 2 босма табоқ ҳақида, офсет усулида «Шарқ» нашрийт-матбаа ақсдорлик компанияси босмоқхонасида босилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-1316. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 23.30

МАНЗАЛИНИНГ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50